



ACTIONS TO CREATE AUTONOMY IN TURKESTAN: PROBLEMS AND CONFLICTS

Nafisa Valieva

Associate Professor

Namangan State Pedagogical Institute

Namangan, Uzbekistan

E-mail: nafisavaliyeva1981@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Owner, scribes, judges, joint-stock companies, Turkestan Governor-Generalship, “foreigner” (“foreign breed”), native (“landowning population”).

Received: 20.12.24

Accepted: 22.12.24

Published: 24.12.24

Abstract: This article provides information about the political life of the Turkestan region, including the shortcomings of the management system, the state of the people, the attitude of the intelligentsia, its desire to influence the spiritual life.

ТУРКИСТОНДА МУХТОРИЯТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ: МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАР

Нафиса Валиева

Доцент

Наманган давлат педагогика институти

Наманган, Ўзбекистон

E-mail: nafisavaliyeva1981@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мулкдор, уламолар, қозилар, актсийадорлик жамийатлари, Туркистон генерал–губернаторлиги, “бегона зот”, “ерли аҳоли”.

Аннотация: Ушбу мақолада Туркистон минтақасида сийосий ҳайот, жумладан бошқарув тизимидағи камчиликлар, халқнинг ахволи, зийолиларнинг муносабати, уларнинг маънавий ҳайотга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишлари хусусида маълумот берилади.

ДЕЙСТВИЯ ПО СОЗДАНИЮ АВТОНОМИИ В ТУРКЕСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И КОНФЛИКТЫ

Нафиса Валиева

Доцент

Наманганский государственный педагогический институт

Наманган, Узбекистан

E-mail: nafisavaliyeva1981@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Владелец, писцы, судьи, акционерные общества, Туркестанское генерал-губернаторство, «инородец» («иностранный порода»), туземец («землевладельческое население»).

Аннотация: В данной статье представлена информация о политической жизни Туркестанского края, в том числе о недостатках системы управления, состоянии народа, отношении интеллигенции, ее стремлении влиять на духовную жизнь.

Кириш

Февраль инқилобидан сўнг аста-секин Туркистон бўйлаб Муваққат ҳукумат томонидан тугатилган подшо маъмурияти ўрнига жойларда жамоат ташкилотларининг ижроия комитетлари, яъни жамоат хавфсизлиги деб номланган комитетлар ташкил топа бошлади. 1917 йил 6 марта 19 аъзодан иборат Тошкент ижроия комитета сайланиб, унинг таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари озчиликни ташкил қиласди. Яна бир вақтнинг ўзида Тошкент ва бошқа айрим шаҳарларда ишчи депутатлари советлари ва солдат депутатлари ташкил топа бошлади. 1917 йил 28 марта Тошкент солдат депутатлари Совети ва Тошкент ишчи депутатлари Совети қўшилиб, 7 апрелда ишчи ва солдат депутатлари Советининг ўлка съездини чақиришга қарор қилди. Аммо бу сиёсий жараёнларда ўлка турк-мусулмон халқлари вакиллари фаол иштирок этмади. Воқеалар ривожидаги холатдан келиб чиқиб, Муваққат ҳукумат 1917 йил апрель ойи бошларида собиқ генерал-губернатор А.Н. Куропаткинни Петроград шаҳрига чақириб олди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)

Айни пайтда, 7 апрелда, ўлкада вужудга келаётган сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Муваққат ҳукумат томонидан Н.Н.Шчепкин раислигида “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” тузилиб, унинг таркиби 9 кишидан иборат етиб белгиланди. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси”нинг 9 нафар аъзоларидан 4 нафари туркмусулмон халқларига тааллуқли эди. Хусусан, унинг таркибида Букейханов Алихон Нурмаҳаметович (1866/70-1937) ҳам бўлиб [O’zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Birinchi kitob. 1917— 1939 yillar. - Т.: “O’zbekiston”, 2019. - В. 24], қозоқ миллатига мансуб эди. Шунингдек, Тинишаев Муҳаммаджон Танишаевич (1879/80-1937), қозоқ миллатига мансуб, Мақсудов (Максуди) Садретдин (Садри) Низамитдинович (1879-1957) татар миллатига мансуб, Букейханов А.Н. - 1905 йил Қирғиз (Қозоқ) конституцион - демократик партияси тузиш тарафдорларидан бири, I чақириқ Давлат думаси депутати. 1908-1917 йилларда Самарада сургунда бўлиб, илмий фаолият билан шуғулланган. 1917 йил марта 1917 йил марта Муваққат ҳукумат томонидан Тўргай вилояти комиссари этиб тайинланган.

1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. 1917 йил майида кадетлар партияси марказий қўмита аъзолигига сайланган. 1917 йил 21-26 июлида Оренбургда бўлиб ўтган I Умумқирғиз (Умумқозоқ) съездиде кадетлар партиясидан чиқиб, “Алаш сиёсий партияси”га аъзо бўлиб, 1917 йил 31 октябрида Тўргай вилоят “Алаш” партияси раислигига сайланган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

1917 йил Октябрь давлат тўнтаришига салбий муносабатда бўлган. II Умумқирғиз (Умумқозоқ) съезди (Оренбург, 1917 йил 5-13 декабрь) ташкилотчиси. Умумқирғиз (Умумқозоқ) халқ кенгashi - “Алаш-Ўрда” раиси. 1919 йили совет ҳокимияти томонига ўтган [Мусульманские депутаты Государственной Думы России. 1906-1917 гг. Сборник документов и материалов. - Уфа: “Китап”, 1998. - С. 293-295].

Тинишипаев М.Т. - II чақириқ Давлат думаси депутати. 1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. 1917 йил августида мазкур қўмитанинг Еттисув вилоятига жазо экспедициясини юбориш қароридан норози бўлиб истеъфога чиқкан. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришига салбий муносабат билдирган. IV Фавқулодда ўлка мусулмонлари съезди (Қўқон, 26-29 ноябрь, 1917) да Туркистон Мухторияти бош вазири, ички ишлар вазири, II Умумқирғиз (Умумқозоқ) съезди (Оренбург, 1917 йил 5-13 декабрь) да “Алаш-Ўрда” аъзоси. 1919 йил совет ҳокимияти томонига ўтган. 1932 йили антисовет фаолияти учун 5 йилга қамалган. Кейинчалик қамоқ жазосини Марказий-Коратупроқ районига сургунга алмаштирилган, 1958 йил оқланган [Мусульманские депутаты Государственной Думы России. 1906-1917 гг. Сборник документов и материалов. - Уфа: “Китап”, 1998. - С. 293-295].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Мақсудов С. Н. - 1888 йилда Қозон мадрасасида ўқиган, кейин Боқчасаройда И. Гаспирали мактабида таълим олган. 1897 йил яна Қозонга қайтади ва кейин 1901 йилга қадар Туркияда кўзга кўринган жамоат арбоблари билан ҳамкорлик қиласди. 1901-1906 йиллари Париж университети хукуқшунослик факультетида ўқиуди. III Бутун Россия мусулмонлар съезди (август 1906) да “Иттифоқ ал-муслимин” партияси Марказий қўмитаси аъзоси. II-III Давлат думалари депутати. 1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. II ва III Бутун Россия мусулмонлари съезди делегати. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришини қабул қиласди. Россия ва Сибир ички мусулмонлари Миллий Мажлиси (Миллий Мажлис) нинг (1917 йил 22 ноябрь - 1918 йил 11 январь Уфа) раиси. 1925 йилдан оиласи билан Туркияга кўчиб кетган. Икки марта Туркия парламенти депутати бўлган. 1957 йил Истанбулда вафот этган [Мусульманские депутаты Государственной Думы России. 1906-1917 гг. Сборник документов и

материалов. - Уфа: “Китап”, 1998. - С. 293-295]. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” да татар миллатига мансуб, генерал-майор Абдулазиз Давлетшин ҳам бор эди. Россия Муваққат хукумати бу шахсларни “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” таркибиға киритиб, гўёки туркий халқлар вакиллари бошқарув тизимида иштирок этишга жалб қилинганини намойиш этгандек... Аммо шуниси борки, дастлабки таркибда бўлган Алихон Букеҳанов Туркистонга келмади. Садри Мақсудий ва Абдулазиз Давлетшинларни қўмитаси аъзоси бўлишларини Туркистон солдат ва ишчилар совети хоҳламади. Охир-оқибат 4 нафар вакилдан фақатгина М. Тинишиев қолди.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Туркистон Марказий “Шўройи Исломия” жамияти томонидан С. Мақсудов ва А. Давлетшинлар ўрнига қозоқ Мустафо Чўқаев ва Қозон мусулмонларининг қўмита раиси, татар Муҳаммаджон Тўхторовлар номзоди кўрсатилди. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” нинг раиси Н. Н. Шчепкиннинг ўзи ҳам Туркистонни яхши билмас эди. Қолган 5 нафар рус аъзоларидан 2 нафари бир оз ишламай, Тошкент ишчи солдат депутатлари билан келиша олмай, Петроградга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Умуман олганда, Н. Н. Шчепкин бошчилигидаги қўмита аъзолари, Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек, “... бизнинг ҳаётимизни билмаганлари ҳолда, идора қилиш учун йўрикнома чиқарармишлар”, - деб уларга нисбатан ўз муносабатини норозилик илиа билдирган [O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinci kitob. O’zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. - Т.: “Sharq”, 2000. -В. 30-31; Mingnarov A. Turkistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni milliy matbuotda yoritilishi (1917-1918 yillar). - Т.: “Istiqlol nuri”, 2013. - В. 36-37]. Ўлгадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таранглашиб бораётган бир вазиятда “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмита” си билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршилик, келишмовчиликлар юзага келган эди. Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият янги сиёсий партия, сиёсий ҳаракат ва гурухлар пайдо бўлишига туртки берди. Янги миллий ташкилотлар: “Озод халқ” [O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinci kitob. O’zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. - Т.: “Sharq”, 2000. -В. 30-31; Mingnarov A. Turkistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni milliy matbuotda yoritilishi (1917-1918 yillar). - Т.: “Istiqlol nuri”, 2013. - В. 36-37.], “Мифтоҳ ул-маориф”, “Хуррият”, “Маърифат ва шариат”, “Иттифоқи Исломия”, “Тижорат ул-ислом”, “Равнақ ул-ислом”, “Гулистон”, “Муаййин ат-толибин”, “Жамияти Исломия” каби ташкилотлар тузилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Birinchi kitob. 1917— 1939 yillar. - Т.: “O‘zbekiston”, 2019.

2. Мусульманские депутаты Государственной думы России. 1906-1917 гг. Сборник документов и материалов. - Уфа: "Китап", 1998.
3. Лепёшкин Д. М. Местные органы власти советского государства (1917-1920 гг.). Москва. Гос. изд. юрид. литературы 1957. -304с.
4. Лепёшкин Д. М. Местные органы власти советского государства (1921-1936 гг.). Москва. Гос. изд. юрид. Литературы. 1959. -412с.
5. Мильштейн Н. Из истории Туркестанской ЧК. -Ташкент, Наука, 1965. -38 с.
6. Непомнин В. Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.). -Ташкент: Госиздат УзССР, -1960. -221 с.